

# **Туғилғанлик ҳақидаги гувоҳномани олиш учун ФҲДЁга бориш шарт эмас**



Хабарингиз бор, 2023 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида туғилғанликни тиббиёт муассасалари орқали ФҲДЁ бўлимларида қайд этиш тартиби жорий этилган.

Эндиликда бола туғилиши билан тиббиёт муассасаси у ва ота-онаси ҳақидаги маълумотларни, жумладан, бола рўйхатга қўйиладиган поликлиника ва ички ишлар бўлими, навбатга қўйиладиган давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳақидаги маълумотларни махсус электрон бланкага киритади ва автоматик равишда ФҲДЁ бўлимига ахборот тизими орқали юборади.

ФҲДЁ бўлими туғилғанликни қайд этади ва QR-код (матрик штрихли код) қўйилган туғилғанлик ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига юборади.

Тиббиёт муассасалари маълумотнома боланинг ота-онасига тақдим этади.

Ушбу маълумотнома туғилғанлик ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қабул қилишни рад этиш қатъиян тақиқланади.

Туғилғанлик ҳақидаги гербли гувоҳнома фуқароларнинг исталган вақтдаги мурожаатларига асосан ФҲДЁ бўлимлари томонидан экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб берилади.

Оталик белгилаш ва ёлғиз она аризасига асосан туғилишни қайд этишда ҳамда топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилишини қайд этишда бевосита ФҲДЁ бўлимига мурожаат қилиниши лозим.

Маълумот учун: мазкур тартиб 2023 йил 1 июндан бутун республика худудида жорий этилиши белгиланган.

**С.Сайфиддинов**

**Термиз шаҳар Адлия бўлими**

**ЮХКМ бошлиғи**